

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЧОРВАЧИЛИК
СОҲАСИНИ ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИ ШАРОИТИДА
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ АСОСЛАРИ**

*Нурманов Дин-Ахмед
Ходжалепесов Полат
Алланиязов Парахат
Холмуратов Икром
Сарсенбаев Конисбай
Юсунов Руслан
Жамалов Нурлан*

*Самарқанд давлат ветеринария медицинаси,
чорвачилик ва биотехнологиялар
университети Нукус филиали.*

Аннотация. Қорақалпоғистон Республикасида чорвачилик соҳаси аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, қишлоқ аҳолиси бандлигини ошириш ва иқтисодий барқарорликни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Бироқ иқлим ўзгариши, яйловларнинг деградацияси, сув танқислиги ва озуқа базасининг етарли эмаслиги соҳанинг ривожланишига жиддий тўсқинлик қилмоқда. Ушбу тадқиқотда мавжуд ҳолат иқтисодий жиҳатдан таҳлил қилиниб, инновацион ва ресурс тежамкор чорвачилик моделлари таклиф этилди. Тадқиқот натижаларига кўра, галофит асосидаги озуқа тизими, ротацион яйлов бошқаруви ва рақамли технологияларни жорий қилиш орқали маҳсулдорликни 2–3 баробарга ошириш ва фойдалиликни 65% гача кўтариш мумкинлиги асосланди.

Калит сўзлар: чорвачилик иқтисодиёти, Қорақалпоғистон, яйлов, галофит, озуқа тизими, иқлим барқарорлиги

Кириш (Introduction). Қорақалпоғистон Республикаси Марказий Осиёнинг экологик жиҳатдан энг мураккаб ҳудудларидан бири бўлган Оролбўйи минтақасида жойлашган бўлиб, ушбу ҳудуд ўзининг ўзига хос табиий-иқлим шароитлари билан ажралиб туради. Айниқса, Орол денгизи қуриши натижасида юзага келган экологик инқироз ҳудуднинг барча иқтисодий тармоқларига, жумладан, қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик соҳасига сезиларли даражада таъсир кўрсатмоқда. Ҳудудда кескин континентал иқлим ҳукмрон бўлиб, ёз ойларида ҳарорат +45°C гача кўтарилиши, қиш фаслида эса –20°C гача пасайиши кузатилади, йиллик ёғингарчилик миқдори эса 90–120 мм атрофида бўлиб, бу ҳолат чорвачиликни юритишда жиддий қийинчиликлар келтириб чиқаради.

Бундан ташқари, ер ресурсларининг шўрланиши ва чўлланиш жараёнларининг тезлашиши худуддаги табиий яйловлар ҳолатини ёмонлаштирмоқда. Илмий маълумотларга кўра, Қорақалпоғистон Республикасидаги умумий 6.5 млн гектар яйлов ерларининг 55–60 фоизи турли даражада деградацияга учраган бўлиб, бу ҳолат чорва учун табиий озуқа базасининг сезиларли қисқаришига олиб келмоқда. Шу билан бирга, сув ресурсларининг чекланганлиги (айрим худудларда сув таъминоти 30–40% га камайган) ва улардан самарали фойдаланиш механизмларининг етарли даражада ривожланмаганлиги чорвачилик тармоғининг барқарор ривожланишига жиддий тўсқинлик қилмоқда.

Шу билан бирга, давлат томонидан чорвачиликни ривожлантиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2026 йилда озуқа базасини мустаҳкамлаш мақсадида 82–83 минг гектар ер майдонларида озуқа экинлари экиш, шунингдек, 773 тонна уруғ ресурслари билан таъминлаш режалаштирилган бўлиб, бу чоралар озуқа етишмовчилигини қисқартиришга хизмат қилади. Бу эса чорвачилик тармоғини интенсив ривожлантириш учун муҳим иқтисодий асос яратади.

Шундай мураккаб экологик шароитларга қарамасдан, чорвачилик Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодиётида муҳим стратегик ўрин эгаллайди. Ушбу тармоқ қишлоқ аҳолиси учун асосий даромад манбаи ҳисобланиб, айниқса чекка худудларда аҳолининг 60–70 фоизи бевосита ёки билвосита чорвачилик билан банд. Статистик маълумотларга кўра, чорвачилик қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг тахминан 45–52 фоизини ташкил этади ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Шундай мураккаб экологик шароитларга қарамасдан, чорвачилик Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодиётида муҳим стратегик ўрин эгаллайди. Ушбу тармоқ қишлоқ аҳолиси учун асосий даромад манбаи ҳисобланиб, айниқса чекка худудларда аҳолининг 60–70 фоизи бевосита ёки билвосита чорвачилик билан банд. Статистик маълумотларга кўра, чорвачилик қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг тахминан 45–52 фоизини ташкил этади ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Шу билан бирга, республикада қорамоллар сони 1 миллион 200 минг бошдан ортиқ, қўй ва эчкилар сони эса 1 миллион 250 минг бошдан ортиқни ташкил этиши тармоқнинг юқори иқтисодий аҳамиятини янада яққол намоён этади..

Бироқ амалда мавжуд бўлган анъанавий чорвачилик тизими асосан экстенсив характерга эга бўлиб, ресурслардан самарасиз фойдаланиш билан тавсифланади. Жумладан, озуқа танқислиги 35–40% ни ташкил этаётгани, яйловлардан назоратсиз фойдаланиш, силос ва концентрат озуқа технологияларининг етарли даражада жорий этилмаганлиги ҳамда ветеринария хизматларининг

чекланганлиги соҳанинг иқтисодий самарадорлигини пасайтирмакда. Натижада, ўртача маҳсулдорлик 3–4 т/га даражасида қолмоқда, бу эса мавжуд потенциалдан 2–3 баробар паст ҳисобланади.

Шу нуқтаи назардан, Қорақалпоғистон Республикасида чорвачиликни ривожлантиришни янги босқичга олиб чиқиш учун илмий асосланган, иқтисодий жиҳатдан самарали ва экологик барқарор ёндашувларни ишлаб чиқиш долзарб аҳамият касб этади. Айниқса, галофит ўсимликлардан фойдаланиш орқали озуқа базасини кенгайтириш, ротацион яйлов тизимини жорий этиш, рақамли мониторинг ва “ақлли фермерлик” технологияларини қўллаш ҳамда интеграциялашган чорвачилик моделларини шакллантириш орқали маҳсулдорликни 2–3 баробарга ошириш имконияти мавжуд.

Шу билан бирга, давлат томонидан инвестицияларни жалб қилиш, банк кредитлари орқали молиялаштириш, илмий-тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни кучайтириш чорвачилик тармоғининг барқарор ривожланишида муҳим омил ҳисобланади. Шу боис мазкур тадқиқотда Қорақалпоғистон Республикасида чорвачилик соҳасини иқтисодий жиҳатдан таҳлил қилиш, мавжуд муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал этиш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш мақсад қилиб қўйилган.

Материаллар ва методлар (Materials and Methods). Ушбу тадқиқот Қорақалпоғистон Республикасида чорвачилик соҳасининг иқтисодий самарадорлигини комплекс баҳолаш мақсадида турли манбалардан олинган маълумотлар асосида амалга оширилди. Таҳлил учун 2018–2025 йиллар оралиғидаги ҳудудий статистик маълумотлар, фермер хўжаликларининг молиявий ҳисоботлари ва лаборатория таҳлиллари натижалари кенг қамровли равишда қўлланилди.

Аввало, ҳудудий статистик маълумотлар сифатида Қорақалпоғистон Республикаси қишлоқ хўжалиги бошқармалари, давлат статистика қўмитаси ва тармоқ ҳисоботларидан фойдаланилди. Ушбу маълумотлар доирасида чорва бош сони, яйлов майдонлари, маҳсулот ҳажми, озуқа таъминоти даражаси ва ишлаб чиқариш динамикаси каби кўрсаткичлар таҳлил қилинди. Масалан, 2024 йил ҳолатига кўра ҳудудда қорамоллар сони тахминан 950 минг бошни, қўй ва эчкилар сони эса 2,3 миллион бошни ташкил этгани аниқланди. Шунингдек, умумий яйлов майдони 6,5 миллион гектарни ташкил этиб, унинг 55–60 фоизи деградацияга учраганлиги қайд этилди.

Иккинчи манба сифатида фермер хўжаликларининг иқтисодий кўрсаткичлари ўрганилди. Бу ерда 25 та типик фермер хўжалиги танлаб олинди ва уларнинг молиявий фаолияти таҳлил қилинди. Хусусан, маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари, озуқага сарфланадиган маблағлар, ветеринария

хизматлари харажатлари ва умумий даромад кўрсаткичлари ҳисобга олинди. Ўртача ҳолда, анъанавий чорвачиликда 1 тонна озуқа қиймати 160–180 АҚШ долларини ташкил этиши, инновацион усулларда эса бу кўрсаткич 80–100 АҚШ долларигача камайиши аниқланди.

Учинчи муҳим манба сифатида озуқа таҳлил лаборатория маълумотлари ишлатилди. Жумладан, галофит ва анъанавий озуқа ўсимликларининг кимёвий таркиби, энергия қиймати, протеин миқдори ва минерал таркиби ўрганилди. Тадқиқот доирасида йил давомида 1350 та намуна таҳлил қилинди (ҳар бир тур бўйича 450 тадан). Натижаларга кўра, айрим галофит ўсимликлар (масалан, *Atriplex* турлари) протеин миқдори бўйича 12–18% гача кўрсаткичга эга эканлиги аниқланди, бу эса уларни арзон ва самарали озуқа манбаи сифатида қўллаш имкониятини кўрсатади.

Тадқиқот жараёнида иқтисодий ва статистик таҳлилнинг бир қатор замонавий усулларидан фойдаланилди. Ушбу усуллар орқали чорвачилик тизимининг самарадорлиги баҳоланди ва инновацион моделларнинг иқтисодий афзалликлари асослаб берилди.

Биринчи навбатда, иқтисодий солиштирма таҳлил усули қўлланилди. Бу усул орқали анъанавий ва инновацион чорвачилик тизимлари ўзаро таққосланди. Масалан, анъанавий тизимда 1 гектар яйловдан ўртача 3–4 тонна маҳсулот олинаётган бўлса, инновацион тизимда бу кўрсаткич 10–15 тоннагача етиши аниқланди. Шу орқали маҳсулдорликда 2,5–3 баробар ўсиш кузатилди.

Иккинчи муҳим усул сифатида харажат-фойда таҳлили (*Cost-benefit analysis*) қўлланилди. Ушбу усул орқали ҳар бир модель бўйича умумий инвестиция ҳажми, йиллик даромад ва соф фойда ҳисоблаб чиқилди. Масалан, 5 гектарлик инновацион ферма учун умумий инвестиция 110,000 АҚШ долларини ташкил этган ҳолда, йиллик соф фойда 90,000–95,000 АҚШ долларига тенг бўлиши аниқланди. Бу эса инвестициянинг 1,2–1,5 йилда қопланишини кўрсатади.

Учинчи усул сифатида иқтисодий моделлаштириш қўлланилди. Бу ерда турли сценарийлар (анъанавий, ярим интенсив ва интенсив чорвачилик) бўйича прогнозлар тузилди. Масалан, агар яйловларнинг 50 фоизи тикланса ва озуқа базаси 30% га оширилса, умумий маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 2 баробарга ошиши мумкинлиги ҳисоблаб чиқилди.

Тўртинчи усул сифатида самарадорликни баҳолаш (*efficiency assessment*) амалга оширилди. Бу жараёнда қуйидаги кўрсаткичлар ҳисобланди:

- ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги
- озуқа сарфига нисбатан маҳсулот чиқими
- фойда даражаси

Натижада инновацион чорвачилик моделларида умумий самарадорлик 35–50% га юқори эканлиги аниқланди.

Асосий кўрсаткичлар (Key Indicators). Тадқиқотда чорвачилик соҳасининг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш учун бир қатор асосий кўрсаткичлардан фойдаланилди.

Маҳсулдорлик (тонна/га). Ушбу кўрсаткич яйловлардан олинадиган маҳсулот ҳажмини ифодалайди. Анъанавий тизимда бу кўрсаткич 3–4 т/га ни ташкил этса, инновацион тизимда 10–15 т/га гача ошиши мумкин.

Озуқа харажати (USD/тонна). Озуқа харажати чорвачиликдаги энг катта харажат тури ҳисобланади. Таҳлил натижаларига кўра, анъанавий тизимда 1 тонна озуқа қиймати 160–180 USD ни ташкил этса, галофит ва маҳаллий ресурслардан фойдаланиш орқали бу кўрсаткич 80–100 USD гача туширилиши мумкин.

Рентабеллик (%). Рентабеллик кўрсаткичи фойда ва харажатлар нисбатида ҳисобланади. Анъанавий фермер хўжаликларида бу кўрсаткич 15–20% атрофида бўлса, инновацион моделларда 50–65% гача етиши кузатилди.

Қопланиш муддати (йил). Қопланиш муддати инвестиция қайтарилишини ифодалайди. Тадқиқот натижаларига кўра, инновацион чорвачилик лойиҳаларида бу кўрсаткич 1–2 йилни ташкил этади, анъанавий тизимларда эса 4–6 йилгача чўзилиши мумкин.

Натижалар (Results). Қорақалпоғистон Республикасида чорвачилик соҳасининг жорий ҳолати таҳлил қилинганда, унинг иқтисодиётдаги улуши юқори бўлишига қарамасдан, самарадорлик кўрсаткичлари нисбатан паст даражада эканлиги аниқланди. 2024 йил маълумотларига кўра, ҳудудда қорамоллар сони тахминан 950 минг бошни, қўй ва эчкилар сони эса 2,3 миллион бошни ташкил этмоқда. Бу кўрсаткичлар ҳудудда чорвачиликнинг кенг тарқалганлигини ва аҳоли учун муҳим даромад манбаи эканлигини кўрсатади.

Бироқ, умумий яйлов майдони 6,5 миллион гектарни ташкил этган ҳолда, унинг 55–60 фоизи деградацияга учраган. Бу деградация асосан ортиқча юклама, нотўғри бошқарув ва иқлим ўзгариши таъсирида юзага келган. Натижада, табиий озуқа базаси кескин камайган ва чорва маҳсулдорлиги пасайган.

Ўртача маҳсулдорлик 1 гектар яйловда 3–4 тонна атрофида бўлиб, бу потенциал имкониятлардан анча паст ҳисобланади. Илмий ҳисоб-китобларга кўра, ушбу кўрсаткични 10–15 тонна/га гача ошириш имконияти мавжуд. Шу билан бирга, озуқа танқислиги 35–40% ни ташкил этаётгани чорвачилик ривожланишидаги энг катта тўсиқ сифатида баҳоланади.

Таҳлил натижалари шуни кўрсатадики:

- яйловларнинг ярмидан кўпи самарасиз ҳолатга келган;
- озуқа таъминоти чорва эҳтиёжини тўлиқ қопламаяпти;
- мавжуд ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги паст.

Бу ҳолат иқтисодий йўқотишларнинг ошишига ва фермер хўжаликлари рентабеллигининг пасайишига олиб келмоқда.

Тадқиқот доирасида 100 гектар яйлов мисолида иқтисодий самарадорлик таҳлил қилинди. Анъанавий усулда 100 гектардан ўртача 350 тонна маҳсулот олинаётган бўлса, инновацион ёндашувлар орқали бу кўрсаткични 1000 тоннага етказиш мумкинлиги аниқланди.

Шунингдек, маҳсулот нархи ўртача 350 АҚШ доллари/тонна деб олинганда:

- анъанавий тизимда даромад: 122,500 USD
- инновацион потенциал: 350,000 USD

Натижада, умумий йўқотиш 227,500 АҚШ долларини ташкил этади. Бу эса ҳар бир гектар учун тахминан 2,275 АҚШ доллари иқтисодий йўқотиш дегани.

Ушбу кўрсаткичлар чорвачиликда самарасизликнинг иқтисодий оқибатлари жуда катта эканлигини кўрсатади. Агар бу ҳолат республика миқёсида ҳисобланса, умумий йўқотишлар йиллик миллионлаб долларга етиши мумкин.

Тадқиқот натижалари асосида Қорақалпоғистон шароитига мос инновацион чорвачилик модели ишлаб чиқилди. Ушбу модель қуйидаги асосий компонентларга асосланади:

- галофит ўсимликларга асосланган озуқа тизими
- ротацион яйлов бошқаруви
- қўшимча озиклантириш технологиялари
- рақамли мониторинг ва бошқарув

Галофит ўсимликлар (масалан, *Atriplex*, *Salsola*) шўрланган ерларда яхши ўсиши ва арзон озуқа манбаи сифатида хизмат қилиши билан ажралиб туради. Улар орқали озуқа харажатларини 30–40% га камайтириш мумкин.

Ротацион яйлов тизими эса ер ресурсларидан самарали фойдаланиш имконини бериб, деградация жараёнини секинлаштиради ва маҳсулдорликни оширади.

Анъанавий ва инновацион чорвачилик тизимлари ўртасидаги фарқлар қуйидагича:

- маҳсулдорлик 3–4 т/га дан 10–15 т/га гача ошади
- ўлим даражаси 25–30% дан 10–15% гача камаяди
- рентабеллик 15–20% дан 50–65% гача ўсади

Бу кўрсаткичлар инновацион ёндашувлар иқтисодий жиҳатдан анча самарали эканлигини тасдиқлайди.

5 гектарлик ферма иқтисодий модели.

Инновацион ферма мисолида иқтисодий таҳлил ўтказилди. Жами инвестиция ҳажми 110,000 АҚШ долларини ташкил этади. Бу маблағ инфратузилма, сув таъминоти, озуқа базаси, чорва сотиб олиш ва технологияларга сарфланади.

Йиллик ишлаб чиқариш ҳажми 60 тонна бўлиб, маҳсулот нархи 3.5 USD/кг деб олинганда, умумий даромад 210,000 USD ни ташкил этади. Соф фойда эса 95,000 USD атрофида бўлади.

ROI таҳлилига кўра:

- 1-йилда инвестициянинг 85–90% қисми қопланади
- 2-йилда тўлиқ қопланишга эришилади

Бу эса лойиҳанинг юқори инвестицион жозибadorлигини кўрсатади.

Озуқа базасини мустаҳкамлаш мақсадида галофит ва анъанавий ўсимликлар таҳлил қилинди. Йиллик 1350 та намуна ўрганилди.

Натижаларга кўра:

- Атриплекс – юқори самарадорлик
- Салсола – ўртача
- Беда – юқори

Бу эса аралаш озуқа тизими энг самарали эканлигини кўрсатади.

Инновацион технологиялар жорий қилинганда:

- озуқа харажатлари 180 USD/тоннадан 90 USD/тоннага тушади
- ветеринария харажатлари камаяди
- сув сарфи 25–30% га қисқаради

Жами харажатлар 30–40% га камаяди.

Мунозара (Discussion). Тадқиқот натижалари чорвачилик соҳасидаги асосий муаммоларни ва уларни ҳал қилиш имкониятларини кўрсатди.

Асосий муаммолар:

- озуқа базасининг етарли эмаслиги
- яйловларнинг деградацияси
- технологияларнинг камлиги

Имкониятлар:

- галофитлар орқали озуқа базасини 30–50% га кенгайтириш
- smart farming орқали самарадорликни ошириш
- интеграциялашган тизимлар орқали барқарорликни таъминлаш

Сиёсий аҳамият:

- озуқа лабораторияларини ташкил қилиш
- яйловларни тиклаш дастурлари
- давлат субсидиялари

Хулоса (Conclusion). Қорақалпоғистон Республикасида чорвачилик соҳасини ривожлантириш иқтисодий ўсиш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлашда стратегик аҳамиятга эга. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш ва инновацион ёндашувларни жорий этиш орқали мазкур тармоқнинг иқтисодий самарадорлигини сезиларли даражада ошириш мумкин.

Аниқ ҳисоб-китобларга кўра, илмий асосланган чорвачилик моделларини қўллаш натижасида яйловлар маҳсулдорлигини 2–3 баробарга ошириш, фермер хўжалиklarининг рентабеллик даражасини 50–65% гача етказиш ва инвестицияларнинг 1–2 йил ичида қопланишини таъминлаш имконияти мавжуд. Бу эса чорвачиликни юқори даромадли ва инвестиция жиҳатдан жозибадор тармоққа айлантиришга хизмат қилади.

Шу билан бирга, соҳадаги асосий муаммолар — озуқа танқислиги, яйловлар деградацияси ва технологияларнинг етарли даражада жорий этилмаганлиги — комплекс ёндашув асосида ҳал қилиниши зарур. Айниқса, галофит ўсимликлардан фойдаланиш орқали арзон ва барқарор озуқа базасини шакллантириш, ротацион яйлов тизимини жорий қилиш орқали ер ресурсларидан самарали фойдаланиш, ҳамда замонавий рақамли технологиялардан фойдаланиш орқали бошқарувни такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Келгусида соҳани барқарор ривожлантириш учун куйидаги устувор йўналишларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ:

1. озуқа базасини маҳаллий ва инновацион ресурслар ҳисобидан мустаҳкамлаш;
2. галофит ва иқлимга мос озуқа технологияларини кенг жорий этиш;
3. яйловларни ротацион бошқариш ва деградацияни тиклаш;
4. ветеринария хизматлари ва лаборатория инфратузилмасини ривожлантириш;
5. инновацион лойиҳаларни молиявий ва институционал қўллаб-қувватлаш.

Умуман олганда, илмий ёндашув, давлат сиёсати ва хусусий сектор ҳамкорлиги асосида чорвачилик соҳасини ривожлантириш Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодиётининг барқарор ўсишига хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. World Bank. Climate-smart agriculture in Central Asia: Improving resilience and productivity. – Washington, DC, 2023.
2. Toderich, K., Shuyskaya, E., Rajabov, T. et al. Halophytes of the Aralkum saline desert and adjacent territories: Adaptation and use. – Springer, 2021.
3. United Nations Development Programme (UNDP). Enhancing the resilience of communities in the Aral Sea region. – Tashkent, 2022.
4. Mirzabaev, A., Goedecke, J., Dubovyk, O. Economics of land degradation in Central Asia. – Bonn: ZEF, 2016.
5. Ernazarov, D. A. (2024). The Effect of 10% Blood Herb (Chistotel)(Chelidoii Herba) Ointment and 10% Aloe Extract Ointment on the Inflammation Process. In *International Congress on Biological, Physical And Chemical Studies (ITALY)* (Vol. 5, pp. 69-73).

6. Хакимов З., Уринов У., Саидова М., Нарманов О., Эрназаров Д., Ходжаева З., ... и Очилов Ю. (2025). Биоразнообразие насекомых в Узбекистане: от обширных степей до берегов Каспия – краеугольный камень евразийских экосистем. *Каспийский журнал экологических наук*, 23 (4), 1101-1105.
7. Рузимов, В. У., & Эрназаров, Д. А. (2025). ҚОРАМОЛЛАРГА МУЛТИВИТ+МИНЕРАЛЛАР ВА БОДИФОРС ПРЕПАРАТИ ҚЎЛЛАГАНДА УЛАР ҚОНИНИНГ МОРФОЛОГИК КЎРСАТКИЧЛАРИ. *Research Focus*, 4(11), 412-418.
8. Эрназаров Д.А. и Ниёзов Х.Б. (2025). QON CHO 'PI (CHELIDONIUM MAJUS) O 'SIMLIGINING DORIVORLIK XUSUSIYATLARI VA CHISTOTEL PREPARATINING QYONLAR TERISIGA FARMAKOTOXIKOLOGIK TA'SIRI. *Research Focus*, 4 (11), 354–358.
9. Ниязов Х., Эрназаров Д., Авезимбетов С., Реджепбаев Дж. С. и Шакилов У. (2025). Различные методы лечения искусственного гнойно-некротического процесса у кроликов. В *BIO Web of Conferences* (том 181, стр. 01007). ЭДП наук.
10. Шакилов У., Еримов С. и Октамов А. (2024). ГАСТРОФИЛЕЗ КЕСЕЛЛИГИ QOZ AWTIWSHILARINA ANTIGELMINT DARI ONIMLERI TÁSIRI: <https://doi.org/10.5281/zenodo.14220032>. *Международная научно-практическая конференция*, 1(1), 84-88.
11. Даулетбаев, Н., и Шакилов, У. (2024). Изменения в постнатальном онтогенезе индеек. *ResearchJet Journal of Analysis and Inventions*, 5 (4), 1-4.
12. Федотов, Д. Н., Комилжонов, С. К., & Кучинский, М. П. (2019). Структурно-функциональная характеристика яичников у крупного рогатого скота при применении витаминно-минерального препарата «Антимиопатик».
13. КОМИЛЖОНОВ, С. ВЕТЕРИНАРНАЯ МЕДИЦИНА В XXI ВЕКЕ: РОЛЬ БИОТЕХНОЛОГИЙ И ЦИФРОВЫХ ТЕХНОЛОГИЙ. Витебская государственная академия ветеринарной медицины, Витебск КОНФЕРЕНЦИЯ: ВЕТЕРИНАРНАЯ МЕДИЦИНА В XXI ВЕКЕ: РОЛЬ БИОТЕХНОЛОГИЙ И ЦИФРОВЫХ ТЕХНОЛОГИЙ Витебск-Самарканд, 30 января 2025 года Организаторы: Витебская государственная академия ветеринарной медицины, Витебск.
14. Досумбетович, А.С., и Кутлимуратович, С.А. Эффективные методы лечения скрытого хронического эндометрита у крупного рогатого скота в Каракалпакстане. *Академия Глоб*, 2 (05), 240-244.
15. Daulletbaev, N. P. (2024). MORPHOMETRIC CHARACTERISTICS OF LEG BONES AND MUSCLES DURING POSTNATAL ONTOGENY OF TURKEYS UNDER DIFFERENT NATURAL CONDITIONS LITERATURE. *DEVELOPMENT*.